



*Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!*

Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 28-avgust, shanba, 94 (23.530)-son

Кун ҳикмати

Ҳар қандай
эркак ҳам аёлни
аввал ҳурмат
қилмасдан ўзига
бўйсундира
олмайди

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

Мурожаатлар билан ишлаш масаласи сессияда муҳокама этилади

27 август куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қирқ биринчи сессияси ўтказилди. Сессия ишини Кенгаш раиси, вилоят ҳокими Э.Турдимов бошқарди.

Бу галги сессияда ҳам вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Жумладан, вилоят ҳокимининг ўринбосари, инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи О.Ҳўжаев вилоятда инвестициялар жалб қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, чет давлатлар билан ҳудудларо ҳамкорлик самарадорлигини оширишга доир долзарб масалалар юзасидан ҳисобот берди.

Ҳисоботда келтирилишича, 2021 йилда вилоятда умумий қиймати 447,2 миллион долларлик 54 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш белгиланган. Йилнинг биринчи ярмида 84,2 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Бунинг 47 фоизи Хитой, 17 фоизи Озарбайжон, 10 фоизи Туркия давлати ҳиссасига тўғри келади.

Йил бошидан буён Россия, Украина, Қозоғистон, Венгрия, Афғонистон, Покистон ва Тожикистон билан ҳудудларо бизнес форумлар ўтказилиб, савдо-иқтисодий ҳамда инвестиция соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга эришилди.

Худудий инвестиция дастурига кўра, бу йил умумий қиймати 10,6 триллион сўм бўлган 1106 та лойиҳа ишга туширилиши белгиланган. Январь-июнь ойларида 767 та инвестиция лойиҳалари ишга туширилиши ҳисобига 4889 та янги иш ўринлари яратилди.

Ҳисобот даврида 172,1 миллион доллар экспорт прогнози белгиланиб, амалда 188,5 миллион долларлик маҳсулотлар хорижга чиқарилди. Кўрилган чоралар натижасида экспорт фаолиятига 91 та корхона янгидан жалб этилди ва улар қўшимча 21 миллион долларлик маҳсулот экспортини амалга оширди.

Вилоят маъмурий суди раиси Т.Ғайзиев 2021 йил биринчи ярмида тизинда амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берди.

Таъкидланишича, йилнинг биринчи ярмида вилоят ҳамда туманларо маъмурий судлари томонидан 626 та маъмурий иш кўриб тамомлланган. Уларнинг 170 таси қаноатлантирилган, 342 та рад қилинган, 58 таси иш юритишдан тугатилган, 56 та иш кўрмасдан қолдирилган. Жумладан, туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ 213 та иш кўрилиб, 40 таси қаноатлантирилган, 148 таси рад этилган.

Сессия кун тартибига кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш юзасидан вилоят бандлик бош бошқармаси бошлиғи И.Жаббаров ҳамда Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси бошлиғи О.Тўхтаевнинг ҳисоботлари эшитилди.

Бошқармаларнинг қайд этилган йўналишдаги фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар юзасидан тавсиялар берилди. Мурожаатлар билан ишлашда ҳисобот эмас, амалда одамларнинг розилигига эришиш муҳимлиги таъкидланди.

Сессияда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларининг намунавий регламенти ҳамда доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий Низом тасдиқланди.

Шу асосда, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари қайта тузилиб, шахсий таркиби тасдиқланди.

Кенгашда янги – Ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очиклиқни таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси ташкил этилиб, комиссия раислигига депутат М.Ихтиёров тасдиқланди.

Шунингдек, сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратининг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритилди. Ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича вилоят идораларо комиссияси Болалар масалалари бўйича комиссия этиб қайта ташкил этилди. Вилоят ҳокимлиги аппаратида болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти фаолияти йўлга қўйиладиган бўлди.

Депутатлар вилоят ҳокимининг 2021 йил 23 августда қабул қилинган “Зиядуллоев Саъдулла Эвадуллаевични Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси директори лавозимига тайинлаш тўғрисида”ги қарорини тасдиқлади.

Сессияда Кенгаш ваколатига тегишли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, қарорлар қабул қилинди.

Ижод аҳли муносиб тақдирланди

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган “Энг улуг, энг азиз” анъанавий кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда иштирокчилар бадий асарлар, журналистик ишлар, интернет-журналистика матери-аллари, телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари, тасвирий санъат, фото асарлари ва

дизайн ишлари, юртни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар бўйича беллашди. Танловда ҳар бир йўналиш бўйича 3 нафардан жами 18 нафар танлов ғолиби аниқланди. Танлов ғолибларини вилоят

ҳокими Э.Турдимов табриклаб, диплом ва эсдалик совғаларини топширди.

Тадбир вилоят ҳокимлиги, ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси, маданият бошқармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлимлари, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси вилоят бўлими, вилоят телерадиокомпанияси, Бадий ижодкорлар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилди.

Қуйида танлов ғолиблари билан танишинг!

“САНЪАТКОРЛАРНИНГ ЮРТНИ МАДҲ ЭТУВЧИ КУЙ-ҚЎШИҚЛАРИ”
Отабек АБДУАЛИЕВ – “Ватан” қўшиғи учун (Самарқанд шаҳри);
Умида ЁРМУҲАММЕДОВА – “Самарқанд” қўшиғи учун (Самарқанд шаҳри);
Хуршид ҒАДОЕВ – “Ўзбекистон” қўшиғи учун (Нарпай тумани).

“ТАСВИРИЙ САНЪАТ, ФОТО АСАРЛАРИ ВА ДИЗАЙН ИШЛАРИ”
Жумабой АБДУРАУФОВ – Бадий академия аъзоси, график rassom;
Ғариза ХУРРАМОВА – Самарқанд шаҳридаги “Karet dizayn” хусусий корхонаси дизайнери;
Манзура НОРМАМАНОВА – фото ва дизайн иши устаси.

“ЁЗУВЧИ ВА ШОИРЛАРНИНГ БАДИЙ АСАРЛАРИ”
Зухро ЭШОНҚУЛОВА – “Ишқ дostonи” китоби учун;
Асадулло ШУКУРОВ – ўзбек ва тожик тилларида чоп этилган “Дониш қишлоқ хангомалари”, “Ҳаёт варрағи” китоблари учун;
Ёрмат РУСТАМОВ – “Мангуликнинг 30 лаҳзаси” ва “Жибак опанинг ҳақиқатлари” китоблари учун.

“ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО ИЖОДКОРЛАРНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИ”
Сирожиiddин НИШОНОВ – вилоят телерадиокомпанияси муҳбири;
Зебнисно ТОҒАЕВА – вилоят радиоси журналисти;
Салоҳиддин УМИРОВ – вилоят телерадиокомпанияси телеоператори.

“БОСМА ОАВ ХОДИМЛАРИНИНГ ЖУРНАЛИСТИК ИШЛАРИ”
Ёқубжон МАРҚАЕВ – вилоят “Зарафшон” газетаси муҳбири;
Абдулла НИСОРОВ – Тойлоқ тумани “Қўшчинор” газетаси масъул котиби;
Шербек БОБОҚУЛОВ – Пахтачи тумани “Пахтачи” газетаси муҳбири.

“ИНТЕРНЕТ НАШРЛАРИ, ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДОЛЗАРБ МАТЕРИАЛЛАР”
Анвар МУСТАҒОҚУЛОВ – интернет-журналист; Вилоят “**Овози Самарқанд**” газетасининг **www.Ovozi.uz** расмий веб-сайти жамоаси;
Гулчехра БЕРДИЁРОВА – интернет-журналист.

Мукофотлар муборак!

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 24 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонига кўра, мукофотланганлар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАСИ»
ФАҲРИЙ УНВОНИ БИЛАН
Аблакулов Нуъмон Маҳкамovich – Республика «Хунарманд» уюшмаси аъзоси, кулол.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»
ФАҲРИЙ УНВОНИ БИЛАН
Намуратов Эшбек Кунгирович – Булунғур тумани маданият бўлимига қарашли «Чавқи» фольклор-этнографик халқ ансамбли бадий раҳбари.

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН
Пардаев Тўйма – вилоят мусикали драма театри етакчи сахна устаси.

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Лақаев Саидхатм Норжигитович – Самарқанд давлат университетининг математик физика ва функционал анализ кафедраси mudiri.
Муродова Саодат Ғаниевна – Иштихон туманидаги 3-мактаб-гача таълим муассасаси тарбиячиси.
Мустаев Камол Туронович – «Ипак йўли» туризм халқаро университетининг комплекс туризм тадқиқотлари кафедраси доценти.

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН
Орипова Бибисара – «Раҳмдиллик» жамияти раҳбари.

I ДАРАЖАЛИ «САЛОМАТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Эргашев Бердикул Жўрақулович – Каттакўрғон туманидаги «Эргаш ота» хусусий тиббиёт маркази бош шифокори.

II ДАРАЖАЛИ «САЛОМАТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Раҳимова Олима Аминовна – вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг анестезиология ва реанимация бўлими шифокори.
Турдиева Нисо Сайитқуловна – вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг кардиохирургия бўлими шифокор-кардиохирургия.

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН
Исоқов Ғайрат Суюндиқович – Жомбой туманидаги «Чорвачи» фермер хўжалиғи бошлиғи, чавандоз.
Ҳакимов Илҳом Халилович – Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари.

2-саҳифа >>>

Кутилмаган эътироф ҳаяжонга солди

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очик мулоқотида Тошкент шаҳрига бориб қатнашдим.

Учрашув аввалида Президентимиз юртимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорлар меҳнатларини эътироф этди. Улар қаторида бизнинг корхонамиз ҳам “Энг яхши экспортёр” сифатида қайд этилиб, миннатдорлик хати топширилди. Очиги, буни кутмаганим учун жуда ҳаяжонландим. Бу фақат менга эмас, балки корхонамизнинг ҳар бир ходимига кўрсатилган эътибор, билдирилган ишонч бўлди.

Бу шунчаки учрашув эмас, балки иқтисодиётимизни янада ривожлантиришда тадбиркорларни қийнаётган молиявий, солиқ тўловлари, ер муносабатлари, экспорт-импорт, логистика, газ ва электр энергиясидаги камчиликлар жиддий ўрганилиб, давлат раҳбари томонидан уларнинг ечимини ҳам ҳал қилиб берилди.

Мамлакатимизда Президентимиз томонидан қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари, хусусан, мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани сир эмас. Корхонамиз 2009 йилда ўз фаолиятини қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштиришдан бошлаган бўлса, бугунга келиб маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш жараёнларини ўзида бир-



лаштирувчи йирик агросаноатга айланди. Айни пайтда Италиянинг замонавий “Sandvik” технологиялари ёрдамида йилгига 2 минг тонна қурилган мева-сабзавот ишлаб тайёрланапти. 2018 йилда мева-сабзавотчилик кластери ташкил этилиб, иш фаолиятимиз янада кенгайди. Ўтган йили 2628,1 тонна қурилган мева-сабзавотлар 4778,9 минг долларига АҚШ, Германия, Франция, Россия, Қозоғистон, Хитой, Эрон, Ироқ, Туркменистон ва Туркия давлатларига экспорт қилинди. Жорий йилда 1250 фермер хўжалиғи билан 32 минг тонна сабзавот учун шартнома имзоладик. Ҳозирга қадар 9,3 минг тонна қишлоқ хўжалиғи маҳсулотини қайта ишланиб, йил якунигача экспорт режасини 7 минг долларга етказамиз.

Носир ЮСУПОВ,
«Bulungur-Sandvik»
агрофирмаси раҳбари,
“Шуҳрат” медали соҳибини.

Мукофотлар муборак!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Президентимизнинг 2021 йил 25 августдаги “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони билан вилоятимиздан қуйидагилар мукофотланди:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМИ» **ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН**
Негматов Шухрат Худойбердиевич – Иштихон тумани ҳокими.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЧОРВАДОР» **ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН**
Юнусов Худойназар Бекназарович – Самарқанд ветеринария медицинаси институти ректори.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИХТИРОЧИ ВА РАЦИОНАЛИЗАТОР» **ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН**
Ҳайдаров Жамшид Темурович – вилоят ҳоқимининг ўринбосари – «Ургут» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси раҳбари.

«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» **ОРДЕНИ БИЛАН**
Ҳайдарова Зайнаб – Нарпай туманидаги «Меҳнат роҳат» фермер хўжалиги бошлиғи.

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» **ОРДЕНИ БИЛАН**
Жабборов Қувондиқ Яшузоқович – «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятининг Самарқанд шаҳар почта алоқаси боғламаси почтачиси.
Зиёев Абдузоҳир – Ургут тумани нуронийлар жамоатчилиқ кенгаши фаоли.
Мухторов Зариф Абдурахимович – Самарқанд туманидаги «Конигил мерос» хусусий корхонаси раҳбари.

«ДЎСТЛИК» **ОРДЕНИ БИЛАН**
Абдурахманов Пўлат Мажитович – меҳнат фахрийси.
Алиев Зоир – меҳнат фахрийси.
Каримов Дилшод Санақулович – Пахтачи туманидаги «Балиқ Ал-Саид» фермер хўжалиги бошлиғи.
Қодиоров Мўминжон Мардонович – «Enter Engineering Pte. Ltd.» компаниясининг «Самарқанд туристик маркази» лойиҳаси раҳбари.
Мамарайимов Абдурайим – Оқдарё тумани нуронийлар жамоатчилиқ кенгаши фаоли.
Мардиев Алишер – Самарқанд шахри нуронийлар жамоатчилиқ кенгаши фаоли.
Ўроқов Ҳайдар Мухаммадиевич – Самарқанд туманидаги «Навобод наслии парранда» фермер хўжалиги бошлиғи.
Фузайлов Фаррух Илҳомович – Самарқанд шахридаги «Афросиёб парранда» масъулияти чекланган жамияти директори.

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» **МЕДАЛИ БИЛАН**
Азимов Соҳиб Асатович – Ургут туманидаги «Sam Elektro Servis» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси.
Расулов Ҳаким Нарзуллаевич – Нарпай туманидаги шахсий томорқа ер эгаси.
Ҳамдамов Музаффар Яздонқулович – Пахтачи тумани ҳоқими.
Ходжаев Ойбек Эркинович – вилоят ҳоқимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи.
Хурсанов Санақул – Паст Дарғом тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари.

«ЖАСОРАТ» **МЕДАЛИ БИЛАН**
Қуванова Соҳиба Туйиновна – Нарпай туманидаги ҳунарманд-тикувчи.

«ШУҲРАТ» **МЕДАЛИ БИЛАН**
(100 ёшдан ошганлар)
Сайидова Жумагул – Пахтачи тумани.

«ШУҲРАТ» **МЕДАЛИ БИЛАН**
Аҳмедов Акмал Шомуродович – Самарқанд шахридаги «Sam-Ferre» хусусий корхонаси директори.
Баратов Ҳасан Алимбоевич – «Самарқанд автомобиль заводи» қўшма корхонасининг пайвандлаш цехи катта мутахассиси.
Бахронов Дамиржон Равшанович – Самарқанд шахридаги «Azia metall prof» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси.
Бозоров Элбой Ҳасанович – Жомбой туманидаги «Sag Agro» масъулияти чекланган жамияти муҳандис-биотехнологи.
Жабборова Сожида Ҳайдаровна – Булунғур туманидаги «Paradise Garden of Paulownia» масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси, павлония кўчати етиштирувчиси.
Қаюмов Акбарали Қосималиевич – Самарқанд шахридаги «Нурли келажак ишонч сервис» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси.
Садinov Ҳабиб Эргашевич – Пахтачи туманидаги «Мадина савдо белгиси» хусусий корхонаси директори.
Самадов Шухрат Жўрақулович – Нарпай тумани ҳоқимининг ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.
Юсупов Носир Фатихович – Булунғур туманидаги «Bulungur-Sandvik» агрофирмаси раҳбари.

Президентимизнинг 2021 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони билан вилоятимиздан қуйидагилар мукофотланди:

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» **МЕДАЛИ БИЛАН**
Раҳмонов Жасуржон Жалилович – Самарқанд тумани фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлими бошлиғи.
Сайидқулов Дилмурод Бастамович – Самарқанд шаҳар прокурори.

«ШУҲРАТ» **МЕДАЛИ БИЛАН**
Абдуллаев Шавкат Акбарович – Каттакўрғон шаҳар Давлат хизматлари маркази директори.
Абдурахмонова Мухаббат Рашидовна – Самарқанд шахридаги «Темирйўл» адвокатлар хайъати адвокати.
Ахатов Ҳуснидин Ҳамидович – Пахтачи тумани давлат солиқ инспекцияси шўъба бошлиғи.
Эшмуродов Шерзод Синдарович – Булунғур тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.
Қаноатов Шодиқул Алиевич – Каттакўрғон тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори.
Махмадўстов Олим Орифович – Ургут тумани бўйича ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори.
Намазов Ўлтам Мамаражабович – Қўшработ тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори.
Фахритдинов Мўхитдин Исамитдинович – Вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори.
Чиниев Ҳабибулла Абдумунинович – жиноят ишлари бўйича Паст Дарғом тумани судининг раиси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари-аппарат раҳбари Илҳом БОТИРОВ билан суҳбат:

Фаолиятимизга сайловчи баҳо беради

– O‘zLiDeP вилоят Кенгаши ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан октябрь ойида бўлиб ўтадиган Президент сайловларига қандай тайёргарлик кўрилимоқда?

– Партиямиз бўлажак сайловларга тайёргарликни бир неча босқич ва йўналишларда, ўтган сайловлардан кейинқоқ бошлаган. Бунда мақсадли ва электорат ҳамда сайловчилар манфаатлари устуворлиги тамойилидан келиб чиқиб, амалий мулоқотлар, турли лойиҳалар кўринишида, аҳоли ўртасидаги партиявий тарғибот тадбирларига аҳамият бериб келинмоқда.

Натижада халқимизнинг партияга хайрихоҳлиги, ишончи кундан-кунга ортиб бормоқда. Биргина мисол, 2016 йилда Самарқанд вилоятида партия аъзолари сони 30 минг нафар атрофида эди. Бугунга келиб уларнинг сони 115 минг нафарга яқинлашган. Мамлакатимиз миқёсида эса партия аъзолари сони бир миллиондан ошди. Бу ўз навбатида халқимизнинг қизиқиш ва орзу истаклари O‘zLiDeP ғоялари билан ҳамоҳанг эканлигини кўрсатиб турибди.

Сайловга тайёргарлик бўйича ҳудудларда сайлов штаблари фаолияти йўлга қўйилди. Партиянинг янги рамзи кенг муҳокамалар жараёнидан сўнг тасдиқланиб, ўзига хос ребрендинг қилинди.

– Вилоятда сайлов натижалари қандай бўлишини кутаяпсизлар? Нимага асосланиб, шундай натижадан умид қилиняпти?

– Ҳар бир партия катта сиёсий майдонга чиқар экан, албатта ғалаба қозонишни мақсад қилади. Сайловлар ҳақида гапирганда, O‘zLiDeP



ўз фаолиятида 4 марта парламент ва маҳаллий Кенгашларда, 3 марта Президент сайловларида муваффақиятли иштирок этгани, партиямиз ғоя ва дастурларига, барча даражадаги номзодларимизга халқимизнинг ижобий муносабати яққол намоён бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Бу йилги сайловда ҳам O‘zLiDeP ғалабасини таъминлашда биринчи ғалда сайловчиларимизнинг ишончини қозониш учун мамлакат ва ҳудудлар ривожланиши, асосийси, юртдошларимизнинг мушуқлини осон, оғирини энгил қилишга қаратилган дастуримизни яратдик.

Сайловолди тарғибот тадбирларининг ҳозирги босқичида партиявий тарғибот тадбирларига алоҳида эътибор берилиб, карантин қоидаларига риоя этган ҳолда тадбирлар ташкил этилмоқда. Тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида давом этмоқда ва қамрови, мақсади, тафсилотлари матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритиб борилмоқда.

– Партиядан президентликка кўрсатилган номзод учун табиийки, вилоятда ҳам ишончли вакил сайланади. Бу вазифа ким(лар)га топширилиши режалаштирилган? Унинг қайси жиҳатлари сайловолди тарғиботида самара беради, деб ўйлайсиз?

– Ишончли вакил жамоатчиликка таниқли, катта ҳаёт ва иш тажрибасига эга, интеллектуал салоҳиятли, обрў-эътиборли киши бўлиши лозим. Бу масалада партия юқори ташкилоти, яъни сиёсий

Ҳаётимиздаги ўттиз йил

30 йилдирки, мамлакатимиз ўзи учун бутунлай янги ҳаёт йўлидан бормоқда. Бир-бирига нисбатан умуман таққорламайдиган йиллар салмоғини сарҳисоб қилиб, беихтиёр ҳаёлимиз шу 30 йилдан олдинги даврлар таҳлилига ўтади.

8 ЁШИМДАН БОШЛАНГАН ТЕРИМ
Эсимда, биз собиқ иттифокнинг қора-қура қишлоқ болалари ёзги таътилни колхоз даласида ишлаш, мол боқиш билан ўтказардик. На мен, на бошқа тенгдошларим оромгоҳга боришни, тўғарақларга қатнашишни, саёҳат қилишни билганимиз. Сентябрьда бироз мактабга қатнаган бўлардик. Сўнг яна қишгача пахта даласида «жавлон» урардик... Илк бор пахтага чиққан бир умр хотирамда қолган.

Ўшанда эндигина 2-синфга ўтган эдим. Ўқитувчимиз бир кун синфга кириб, эртага тушлик билан фартук олиб келишимизни, ҳаммамиз бирга пахтага боришимизни айтиб, уйга жавоб берди. Бу хабарни эшитиб, бутун синф иргилилаб сакраган эди. Аммо қувончим узоққа бормади. Сумкамни егуликка тўлдирдим, лекин уйда менга лойиқ фартук топилмади. Ўшанда ойиҳоним бир рўйолни бўйимга мослаб фартук қилиб берганда хархаша қилиб роса йиғлагандим. Дугоналарим келгач, ноилқоқ далага кетдим. Мени кўниб юборадиган ғўзалар оралаб шу кун биринчи бор пахта терганим, кун бўйи терлаб-пишиб терган оппоқ пахталаримни тортиганимда 2 кило чиққан. Мактаб директоридан дашном эшитиб, уйга йиғлаб келганимда ойим акамга мен учун пахта териб беришни тайинлагани ёдимда... Аммо мен ўша пахтани 40 ёшимгача – президентимизнинг ўқитувчиларни дала ишларидан озод қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларига қадар тердим. Ўзим ўқитувчининг фарзанди бўлиб, кейинчалик шу касбни танлаган бўлсам-да, пахта даласи мен учун «қадрдон» бўлиб кетди...

«ПАХТАДАН БОШҚА НИМАМИЗ БОР?»
Йиллар ўтди. Биз улғайдик. 9-синфга ўтишимиз арафасида, бир кун дадам ишдан шошиб кириб келди. «Янгиликни эшитдиларингми», дея жавобимизни ҳам кутмасдан телевизорни ёкди. Ойнаи жаҳондаги ягона ўзбекча каналга мурватни созлар экан, биз ҳам қизиқиб экран қаршисига жойлашиб олдик. Катта залда бўлаётган йиғилиш мазмунини дастлаб тушунмай, дадамга қарадик.

Бир пайт минбардаги киши ўз нутқини тугатар экан, тантанавор руҳда: “Мен бугундан эътиборан биринчи сентябрни Мустақиллик кунини умумхалқ байрами, дея эълон қиламан!” деди! Байрам бўлишини эшитиб, биз, болалар ҳам роса хурсанд бўлдик. Аммо дадам билан ойим бир-бирига ваҳима аралаш қаради.

– Энди нима қиламиз? – дедилар ойим.
– Ҳа, энди ҳукуматга ҳам, халққа ҳам жуда оғир бўлади, – дедилар дадам ташвишли оҳангда.
Укаларим дадамнинг юз ифодасидан чўчиб, сабабини сўрашолмади. Табиатан қизиқувчанлигим кўркувдан устун келди:
– Нимага, дада, ахир байрам бўлса яхши-ку!
– Ўзбекистоннинг пахтадан бошқа ҳеч нарсаси йўқ, қандай қилиб мустақил бўлади, ахир пахтани еб бўлмаса!..

СОВУН ЎРНИГА КУЛ...
Мен ўшанда мустақиллик деган сўзни биринчи бор эшитганим учунми ёки рўзгор ташвишларининг биз, болаларга алоқаси йўқдек туюлгани учунми, дадамнинг гапларини тушунмадим. Аммо ҳаммаси кейин бошланди. Дадам мактабда, ойим боғчада ишласалар-да, бир неча ойлаб маош ололмай ишлашди. Дўконларда маҳсулотлар қаҳат бўлиб қолди. Биз, болалар ҳам ўзимиз билиб-билмай рўзгор ташвишини қилишни, қўлимиздан келганча ёрдам беришни ўйлай бошладик. Бугдойдан бўшаган далаларда сомон орасидан бошоқ тердик. Далаларга нима экилса, деҳқонларга ёрдам бериб, улшимизни оладиган бўлдик. Сочимизни қатикқа, кийимларимизни кулли сувга ювардик...Бу каби қийинчиликлар одамларда норозилик келтириб чиқарди. Синфдошларим ўқишдан совиб қолишди. Аммо мен негадир китобдан бош кўтармай ўқирдим. «Китоб ўқиб профессор бўлармидинг, пулинг бўлса, ҳамма нарсанинг иложи бор», деб бир қўшни дугонам тугилган кунига бормай ўқишга тайёрланганим учун кўпчилик орасида мени изза қилгани ёдимда.

1992 йил олий ўқув юр்தларига тест топшириш тизими жорий қилинди. Талабалик бахтига мурасар бўлдим. Ўшанда илк бор мустақилликнинг ўз тақдиримдаги, тенгдошларим тақдирдаги таъсирини ҳис қилдим. Ўшанда ич-ичимдан мустақиллик учун, ватаним учун хизмат қилишга аҳд қилдим.

Талабалик йилларим ҳам, мамлакатимизнинг қийинчилик даврлари ҳам ортда қолди. Юрта тўқинлик, оилаларга фаровонлик кириб келди. Мамлакат ўтган йиллар мобайнида барча соҳада ўзини тиклаб

Кенгашимизга ўз тақлифларимизни билдирганмиз.

– Умуман, O‘zLiDePдан кўрсатилган номзод сайловларда ғалаба қозонса, одамлар нимадан умид қилишлари мумкин?

– Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги дaвpига – миллий юксалиш, яъни мамлакатимиз тараққиётини, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтариш учун дадил қадам қўймоқда. Барча соҳаларда модернизациялаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлигини таъминлаш асосида Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфаси яратилмоқда. Ўтган Президентлик сайловида олға сурилган партия дастури доирасида амалга оширилган ишларни ҳар бир фуқаро ўз ҳаётида ҳис этаяпти ва бевосита ислохотларнинг иштирокчисига айланмоқда.

Жорий йилги сайловолди дастур лойиҳасида ҳам 6 йўналиш бўйича барча соҳаларни ислоҳ қилиш кўзда тутилган. Унда янги Ўзбекистонни янада ривожлантириш, халқимизнинг турмуш тарзини яхшилаш, фаровон ҳаёт қуриш каби ғоялар ўз аксини топган.

– Жорий йилнинг ўтган даврида партия депутатлик гуруҳи томонидан муайян масала ўрганиб, вилоят Кенгаши сессиясига олиб қилилмади. Бу ҳолат сайловларда акс таъсир қилмайдими?

– Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан жорий йилнинг 6 ойи давомида 50 га яқин масала халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессиялари муҳокамасига киритилди. Вилоятдаги маҳаллий Кенгашларнинг 160 га яқин депутатларини бирлаштирган 17 та депутатлик гуруҳимиз аъзолари биринчи навбатда, ўз сайловчилари, қолаверса, ҳудудлардаги муаммоли масалаларга ечим топишда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Айтмоқчи бўлганим, депутатлар фаолиятига ҳам, партия фаолиятига ҳам баҳонани сайловчилар беради.

Ё.МАРҚАЕВ тайёрлади.



билиб-билмай экстремистик гуруҳлар чанғалига тушиб қолган экан. Шундан таъкибга учраб, Ўзбекистондан қочиб, дом-дараксиз йўқолиб кетибди.

– Қайнона-қайнотам ўғлининг доғида ўтиб кетишди, қайнакаларим мени уйга сиғдиришмиди. 3 болам билан ота уйимга қайтиб келдим. Тайинли касбим йўқлиги учун укаларим қўлига қараб қолдим. Бунинг устига гиёҳванд эримдан мерос ногирон қизимнинг ўзига алоҳида парвариш керак.

Ҳамма нарсадан умидимни узиб қўйган эдим. Оилам «Темир дафтaр»га киритилгандан сўнг бироз ўзимизни тиклаб олдик. Ўғлимга деҳқончилик қилиш учун ер берилди, ўзим мактабга фаррош бўлиб ишга кирдим.

Ҳаётимизга нур қира бошлади. Қизимга нафақа чиқарилди, қарантин даврида озиқ-овқатдан қийналмадик. Ўғлим иккимиз ҳеч кимга муте бўлмай рўзгор тебратаямиз. Энди сизлардан яна бир илтимос билан келдим. Бизнинг ҳам ўз уйимиз бўлса, ўғлим ҳам бўй етиб қолди, тўй қилсам, келим олсам, дейман. «Темир дафтaр»дан ҳам чиқсак, бир умр давлатга боқиманда бўлиб яшамоқчи эмсамиз!»

Болаликдаги дугонамнинг орзуси ушалди. Янги қурилаётган уйлардан бирининг қарити топширилди. Вилоят ҳокимлиги ёрдамида қизида бепул жароҳлиқ амалиётни амалга оширилди. Маҳалла фаоллари тадбиркорлар ёрдамида янги уйни жиҳозлаб беришди.

Мен шу қўшним тимсолида минг-минглаб юртдошларимизга оғир ижтимоий аҳволдан қийиб олишга кўмак бераётган мустақилликка ич-ичимдан миннатдорлик билдирдим! Шу элнинг боласи эканимга, шу халқнинг вакили бўлиб, унинг муаммоларига озгина бўлса ҳам елкадош бўлаётганимга суюндим!

Аёллар сиёсий фаоллиги бўйича дунёда 45-ўринда турган мамлакатимизда шижоатли хотин-қизлар қаторида бораётганим учун фахрландим!

Феруза ТОҒАЕВА, халқ депутатлари вилояти Кенгаши депутаты.

93 та истеъмолчи

салкам 3,7 миллиард сўмлик табиий газни ноқонуний “ёқиб юборган”

Бўлимимиз мутахассислари “Худудгаз Самарқанд” газ таъминоти филиали ходимлари билан ҳамкорликда улгуржи истеъмолчиларнинг табиий газдан фойдаланишини ўрганди.

Аниқланишича, 93 та улгуржи истеъмолчи табиий газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олган. Барча ҳолатлар бўйича тузилган далолатномаларга кўра, 3 миллиард 690,9 миллион сўмлик 3 миллион 962,3 минг метр/куб табиий газдан ноқонуний фойдаланилган.

Жумладан, Паст Дарғом тумани, Найман маҳалласида жойлашган “JAHONGIR-NBN” МЧЖга қарашли автомобилларга сикилган газ тўлдириш компрессор станцияси аҳоли учун мўлжалланган табиий газ қувирига ноқонуний уланиб олган. Бунинг оқибатида 2160,0 миллион сўмлик 2160,0 минг метр/куб табиий газни ўз фойдаси учун “ёқиб юборган”.

Аниқланган ҳолатлар юзасидан



тўпланган ҳужжатлар чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилди.

Икром МАХСУМОВ,
“Ўзнефтегазиспекция”
Самарқанд худудий бўлими бошлиғи.

Ижтимоий тармоқлар ҳақида гап кетганда кўпчилик унинг зарарли томонларини, ёшларнинг вақтини ўғирлашини айтишади. Ваҳоланки, ижтимоий тармоқлардан илм олишда фойдаланётган, ҳунари орқали аҳоли орасида машҳурликка эришяётган, ҳатто бизнесини бошлаган ёшлар қатлами пайдо бўлган. Мисол учун, телеграм, инстаграм орқали бугун ҳунармандлик маҳсулотларини намойиш қилиб, эртанги йўлини белгилаётган кўплаб ёшларни учратиш мумкин.

Қашқадарёлик Робия Илҳомова билан суҳбатлашганимда ўқишдан бўш вақтларида буюртма асосида торт ва ширинликлар, таомлар тайёрлаб беришини айтди.

– Буюртмаларни телеграмдаги каналим ва инстаграмдаги саҳифаларим орқали оламан, – дейди телеграмда 4 мингга яқин кузатувчиси бўлган Робия. – Келажакда бу фаолиятимни катта тадбиркорликка айлантириш ниятидаман, ҳозирдан режалар тузаяпман.

Инстаграмда рангли иплардан турли эртак қаҳрамонларини ясайдиган



Хуснида Турсунбоева эндиgina 17 ёшга кирган бўлишига қарамай, аллақачон шогирдларига ҳам бу ҳунар

Телеграмдаги ТАДБИРКОР ҚИЗЛАР



Совғалар, мунчоқлардан гулдастадан тортиб, турли гулдонлар, тунги чироқлар, сувенирлар ясайдиган Динора Носирова ҳам самарқандлик. Динора билан суҳбатлашганимда келгусида совғалар тайёрлайдиган цех ва уларни онлайн сотиш, буюртма бериш каби хизмат турини ташкил этмоқчи эканлигини билдирди.

– Бугун одамларнинг яшаш шароити яхшиланиб боргани сайин яқинларига улашмоқчи бўлган совғаларга ҳам талаби ортиб борапти, – дейди Динора биз билан суҳбатда. – Шунинг учун ҳар бир миждоз

нинг кўнглига, дидига қараб махсулот ясашга ҳаракат қиламан. Кўпчилик ноодатий совғаларни истади. Бу эса янгидан-яңги гоёлар асосида ишлашига туртки бўлади. Миждозлар билан ишлаш давомида бозор талабларини ҳам ўрганиб борапман.

Қизиги, ижтимоий тармоқларда тадбиркорлиги билан машҳурлар орасида хотин-қизлар кўплигига гувоҳ бўлдик.

Гулсиной АБДУЛЛАЕВА,
СамДУ филология
факультети талабаси.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada ikki marta - chorhanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'olonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ИЖАРАГА ЖОЙ КЕРАКМИ?

Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Самарқанд вилояти худудий бошқармаси қуйидаги объектлар ижарага берилишини маълум қилади:

Т/р	Балансда сақловчининг номи	Ижарага берилаётган майдон (кв.м.)	Фойдаланиш мақсади	Ижарага берилаётган объект манзили
1	Булунғур туман ХТБга қарашли 60-умумий ўрта таълим мактаби	12.75	Чакана савдо	Булунғур тумани Саловат МФЙ, 2-сектор
2	Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази	15	Ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш (фаст-фуд)	Самарқанд шаҳри Ҳасан Обиддинов кўчаси, 7-уй

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:
Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳкўчаси, 157-“А” уй. Тел/факс: 66-233-23-52.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд шаҳридаги “FIESTA-TRADING” хусусий корхонаси (СТІР: 304440874) ўзининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари (актив ва пассивлари) билан “ZLATA-BREWERY” масъулияти чекланган жамият (СТІР: 304417552) таркибига бирлаштирилмоқда. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Рудакий кўчаси, 150-уй.

Самарқанд шаҳридаги «MEHR AL-BIZNESS» хусусий корхонаси (СТІР: 305350510) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «MEHR AL-BIZNESS» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартиради. «MEHR AL-BIZNESS» масъулияти чекланган жамияти «MEHR AL-BIZNESS» хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Сартепа маскани 65-уй, 3-хона.

Самарқанд туманидаги «GREEN CAPITAL» масъулияти чекланган жамияти ўз устав фондини қайтаришда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд тумани “Илонсой кўм қони” худуди.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Қадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Маматкулова Улмасга (2020 йил 18 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчаси, 96-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Мамедов Юсуф Қаримовичга (2020 йил 21 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Нурқосимов Рамзиддин Сайфиддинович нотариал идорасида марҳум Муродов Эркин Джумаевичга (2021 йил 20 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нурқосимов Рамзиддин Сайфиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 80-уй.

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Садуллаев Жамшидхон Сафононович нотариал идорасида марҳум Лутфуллаев Қомилжон Зикриллоевичга (2019 йил 23 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Садуллаев Жамшидхон Сафононович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Оқдарё тумани Лойиш шаҳарчаси Амир Темур кўчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Аҳмедова Фарангиз Асламовна нотариал идорасида марҳум Эгамов Ашуркулга (2012 йил 21 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳмедова Фарангиз Асламовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Лутфий кўчаси, 80-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасида марҳум Мухаммадиев Хусанга (2015 йил 2 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум

МИННАТДОРМАН!

Бир неча йиллардан буён Тошкент вилоятидаги «Чотқол» санаторийсида дам олиб, даволаниб қайтаман. Санаторий шифокорларининг ширинсўзлиги, муолажалари туфайли ўзимни жуда енгил ҳис этаман.

Санаторий директори Мурод Илҳомов, бош врач Қомил Тоирова, катта ҳамшира Дилором Худойбергинава ва бошқа ходимлардан жуда миннатдорман.

Сизларни Мустақиллик байрами билан табриқлайман. Барчангизга сihat-саломатлик, оилавий бахт, эл саломатлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда катта муваффақият тилайман.

Мумина ГУЛАМОВА, Самарқанд шаҳри.

Рязанцева Вера Михайловнага (1989 йил 5 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Шукуров Хасанбой Нарзиевичга (2021 йил 8 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Шукуров Аслиддин Хасанбоевичга (2020 йил 12 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасида марҳум Сайдалиев Алишер Абдиқодировичга (2020 йил 25 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Азимова Қамолла Ҳамзаевна нотариал идорасида марҳум Курбанов Икром Турсункуловичга (2014 йил 25 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳмонов Сарвар Нейматиллоевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Буюқ Ипак йўли кўчаси, 18-уй, 51-хона.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Раҳмонов Сарвар Нейматиллоевич нотариал идорасида марҳум Султанов Субхонга (2019 йил 14 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳмонов Сарвар Нейматиллоевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 60-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Булунғур туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Омонова Муҳайё Ўзбекқў қизи номига берилган О’Р-Ш № 1062684 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 23-ўрта мактабдан 1996 йилда Шайгов Илдар Шукриевичга берилган № 627386 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нурмурод ҚИЛИЧЕВ

Вилоятимиз халқ таълими тизими оғир жудаликка учради. Соҳада узоқ ва самарали меҳнат қилган устоз Нурмурод Қиличев вафот этди.

Н.Қиличев 1939 йилда Қўшрабто туманининг Пангати қишлоғида туғилган. 1958 йилда Тошкент вилояти Бекобод туманидаги ўрта мактабни тугатди. Шу йили ҳарбий хизматга чақрилиб, кичик командирлар тайёрлаш мактабида ўқиди. Ҳарбий мактабни тугатиб, бўлим командири, взвод командири бўлиб ишлади.

Н.Қиличев 1964 йил Тошкент давлат педагогика институтига сиртдан ўқишга кириб, уни тарих йўналиши бўйича тамомлади. У сиртдан ўқиш билан бирга Бекобод тумани Тақачи қишлоғида бошланғич синф ўқитувчиси сифатида фаолият юритди.

1967 йилда Пайариқ туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабига бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишга кирди. У талабчан ва билимли муаллим эди. Шунинг учун ўқувчилар бошланғич синфда аъло баҳоларга ўқиб, турли кўрик-танловларда фаол қатнашарди. Муаллим ҳарбий мактабни тугатгани боис 1971 йилдан мактабда ёшларни ҳақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фанидан ҳам билим бера бошлади. Ўқувчиларни ҳарбийликка қизиктиргани туфайли, кўплаб шогирдлари ҳарбийлик касбини



танлади.

Н.Қиличев педагоглар жамоасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Унинг самарали меҳнати ҳуқуқатимиз томонидан муносиб қадрланди.

Маҳоратли педагог 1970 йил “Шарафли меҳнати учун” медали билан тақдирланди. 1999 йилда эса “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби бўлди.

Нурмурод муаллим 2004 йилгача ушбу мактабда ўқувчиларга таълим-тарбия берди. Бир умр ўз касбини да ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилди.

Шунингдек, у ўн уч нафар фарзанднинг отаси, қиркдан ортиқ невар ва чеваралар бобоси эди.

Ҳурматли устозимизнинг порлоқ хотираси ҳамиша қалбимизда яшайди.

ПАЙАРИҚ ТУМАНИДАГИ 18-УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ (СОБИҚ 45-МАКТАБ) ЖАМОАСИ.

Иштихон туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Шодмонова Элимира Турдимуродовна номига берилган О’Р-Ш № 0251422 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 43-ўрта мактабдан 1993 йилда Мамиров Ширинбой Ҳазратович номига берилган АУ № 147968 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежидан 2013 йилда Муродов Юсуфжон Зарийбой ўғли номига берилган рўйхат рақами 139, К № 0200636 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университетидан 2003 йилда Мирбобоев Бахтиёр Рустамович номига берилган рўйхат рақами 1114, В № 117560 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Ярқулова Умида Абдувалиевна номига берилган О’Р-Ш № 0367076 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 68-умумий ўрта таълим мактабидан (ҳозирги Самарқанд туманидаги 43-умумий ўрта таълим мактабидан) 2008 йилда Облокулова Шохиста Иброҳимжоновна номига берилган О’Р-Ш № 0828400 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд ветеринария седицинаси институти академик лицейидан 2020 йилда Тоғоев Рузйой Нематулла ўғли номига берилган рўйхат рақами 139, Л № 0022058 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Файзулло ДОНИЁРОВ


Юртимиз равнақи йўлида бор шижоати, билими, лозим бўлса, жонини ҳам аямаган ватандошларимиз борки, улар олдида ҳамиша таъзимдамиз. Улар ҳаёт бўлса ардоқлаб, ўтганида хотирасини доимо қалбимиз тўрида асраймиз. Ана шундай инсонлардан бири Самарқанд фарзанди Файзулло Дониёров эди.

Ф.Дониёров 1961 йилда оилада 7-фарзанд бўлиб дунёга келди. 1978 йилда Самарқанд туманидаги 24-ўрта мактабни битирган, бироз вақт матлуботсавдо ташкилотиди ишлади. Кейинчалик СамДУнинг тарих факультетига ўқишга кириб, 1983 йилда тарихчи мутахассислигини эгаллади.

Олий ўқув юртини битирган, у вилоят касб-хунар ўқув юртлари бошқармасига қарашли билим юртида ёшларга сабоқ берди. 1990 йилда Самарқанд давлат университетига қайтиб Ўзбекистон тарихи кафедрасида аспирант вазифасида ишлади. 1991 йилдан бошлаб Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи бўлим мудир вазифасида иш бошлади.

Музейнинг илмий-тадқиқот, илмий-фонд, илмий-экспозицион, маънавий-маърифий ишларида ҳам ўзининг қобилияти ва маҳоратини намойиш қилди. 1994 йилда музей-қўриқхона бош директори ўринбосари вазифасида тайинланди.

Ф.Дониёров музей-қўриқхона тизимидаги филиал ва бўлимларга яқиндан кўмак бериб келди. Айниқса, мустақиллик йилларида маданий мерос объектларини таъмирлаш



ва тиклашда, Шоҳи Зинда мажмуасидаги таъмирлаш ишларида бош-қош бўлди. 1995-2003 йилларда мажмуада мудир бўлиб ишлади. Бу ердаги фаолияти даврида таъмирлаш-тиклаш билан бирга илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борди.

Ф.Дониёров 2003 йилдан музей-қўриқхона бош директори ўринбосари сифатида тизимдаги музейлар ва тарихий обидаларда янги экспозициялар ва кўргазмалар ташкил этишга бошчилик қилди. Кейинчалик 9 йил давомида Регистон мажмуасида илмий ходим бўлди. Ф.Дониёров 2019 йилдан Афросиёб музейида раҳбарлик қилиб келаётганди.

Бутун умрини музейшунослик ва тарихий обидаларни асрашга бағишлаган фидойи инсон Файзулло Дониёров бу фаний дунёни тарк этди. Унинг номи, қилган ишлари оиласи, яқинлари ва дўстлари қалбига абадий сақланиб қолади.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ МУЗЕЙ-ҚЎРІҚХОНАСИ, РЕГИСТОН АНСАМБЛИ ЖАМОАЛАРИ.

Сотувчи «SAMARQAND AVTOMOBIL O'QUV – ISHLAB CHIQARISH KOMBINATI» МЧЖ сотиб олувчи «TAXI 01» МЧЖ ўртасида Самарқанд шаҳри Қ.Каримов кўчаси, 10-манзилда жойлашган мактаб биноси худудидagi устахона биноси ва айвон учун «Бест Реалтор» МЧЖ Самарқанд филиали воситачилигида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш натижасида 2021 йил 2 августдаги 103-сонли, 2 та келишув баённомаси ҳамда мазкур баённома асосида 2021 йил 2 августда тузилган олди-сотиш шартномасининг сотиб олувчидаги 2 нусхаси ҳамда топшириш ва қабул қилиш далолатномасининг 2 нусхалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ агротадбиркорлик касб-хунар коллежидан 2014 йилда Ахророва Озода Асрор қизи номига берилган К № 3235050 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Боболар ёққан чироқ

Кеч куз. Рутубатли совуқ оқшомлардан бири. Ярим тунда эшик зулфи қаттиқ тақиллади. Бобом елкасига чопонни ташлаганча ташқарига чиқди. Анча пайт баланд овозлар эшитилди. Сўнг ичкарига уч киши кирди. Сўкинишиб ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Хира чироқ ёруғида нималарнидир излашди чоғи. Ҳеч нарсa топишолмагач, бобомни милтиқ қўндоғи билан уриб, турткилаганча ўзлари билан олиб кетишди.

Танчадаги олов чўғи анча пасайиб, сўниб қолаётган. Биз уч ака-ука кўрпага бурканганча ётибмиз. Кўрқувдан уйкумиз келмайди. Энам ва аям иккаласи ғудранган кўйи сочилган нарсаларни йиғиштириш билан овора. Эртаси куни билдик, бобомни НКВД ходимлари олиб кетибди. “Жадидчилик ҳаракати аъзоси, давлат тузумига қарши сиёсий душман”, деган айбловлар қўйишибди. Бу гапларни қишлоқ оқсоқоли топиб келди.

Ўша йиллари қишлоқ муллasi борми, масжид имоми ёки зиёли инсонми, кечаси таппа босиб уйдан олиб кетишарди. Ҳамма саросима, ваҳима ва кўрқувда. Бир-биридан ҳадиқсирайди. Юрак ютиб бир жойга бориш ҳам қийинлашиб қолган.

Қўни-қўшнilar биз билан алоқани бутунлай узди. Ҳамма нафрат билан қўлни бизиз қилиб кўрсатарди. Ҳатто кўчага ҳам чиқолмай қолган пайтларимиз бўлди. Тенгдош болалар билан ҳам ўйнай олмадик. Айбимиз нима эди, буни тушунмасдик. Бир куни отамни ҳам олиб кетишди. Шукрки, икки кундан кейин қўйиб юборишди. Бобом эса устидан ёзилган биргина ноўрин хат туфайли бедарак кетди.

Бобом саводли, илмли бўлиб, бир пайтлар Бухородаги мадрасада таҳсил олган. Эски китобларни кўп ўқирди. Навоий, Бедил, Ғузулий асарлари, халқ достонларини ёддан биларди. Уйимизга нотаниш кишилар келишарди. Узоқ вақт шеърхонлик қилишарди. Кўпинча маърифат, юрт тараққиёти ҳақида биз тушунмаган гаплар бўларди.

Бола эдик, онгу шууримизда жамиятда қандайдир сиёсий ўзгаришлар бўлаётганини эшитсак-да, аммо мурғак қалбимиз буни англай олмадик. Бобомнинг асл исми-шарифи Ўнгол Ўрозбоев эди.

Энанинг айтишича, нимадир бўлишини олдиндан кўнгли сезган бобом ўзига тегишли барча нарсалар ва эски китобларни кигизга ўраб, катта бир сандиққа солган ва чуқур қовлаб кўмиб юборган. Тўғрироғи, ҳовлимиз орқасидаги тепалик бағридан катта ўра қазилиб, сўнг ҳамма нарсa жойлаштирилгач, усти маҳкам қилиб бекитиб ташланган.

Орадан анча йиллар ўтиб, бобом бутун-

лай окланиб қайтди. Қариган, анча чўкиб қолган, касалманд. Соғлиги ёмонлашганлиги туфайли ҳеч қанча ўтмай вафот этди. Кўплаб маърифатпарвар инсонлар қатори айбсиз айбдор, айрим манкурт кимсаларнинг билиб билмай қилган чақуви қурбони бўлди.

Ўша даврларда Мунаввар қори, Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Усмон Носир каби кўплаб илмли, маърифатпарвар жадидчи боболаримиз издоши, шу ҳаракат иштирокчиси бўлган Ўнгол бобом каби юзлаб юртдошларимиз узоқ Сибир ўрмонларига сургун қилинди, отиб ташланди, зах турмаларда чириди. Кўплари эса бутунлай номи унутилиб беиз кетди. Ҳалигача уларнинг тақдири номаълум.

Мен бобомни элас-элас эслайман. Унинг сиймоси ҳамisha кўз олдимда узун бўйли, бақувват, кенг елкали, кўзлари ўткир, доно фикрли инсон сифатида гавдаланади.

1972 йил чамаси, тепалик бутунлай бузилиб текисланганида бехосдан бобом кўмган сандиқ ёдимизга тушди. Чамалаб ўша жойни топдик ва қазидик. Афсуски, ўтган йиллар тўфони ўз ишини қилиб бўлганди. Ундаги барча нарсалар чириб, бутунлай яроқсиз ҳолга келганди.

Балки, йиллар, асрлар ўтар. Аммо боболаримиз босиб ўтган, машаққатли ҳаёт йўли, улар ёққан машаала авлодлардан авлодларга ўтиб ибрат бўлади ва ҳеч қачон сўнмайди.

Ашурбек ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий
уюшмаси аъзоси.



ҚАТАҒОН қурбонлари

Озодликка ташналар,
Эзгуликка ошнолар,
Эрк сизлардан бошланар,
Гуноҳсиз гуноҳкорлар -
Қатағон қурбонлари.

О, кимлар сотти сизни,
Ғурбатга отти сизни,
Эл охир топди сизни,
Гуноҳсиз гуноҳкорлар -
Қатағон қурбонлари.

Халқнинг тоза виждони,
Юртнинг метин қалқони,
Мард ва жасур ўғлонлар,
Гуноҳсиз гуноҳкорлар -
Қатағон қурбонлари.

Улар соҳиби иймон,
Кўксига ўтли вулқон,
Армони – Буюк Турон,

Гуноҳсиз гуноҳкорлар -
Қатағон қурбонлари.

Қодирийлар, Ибратлар,
Беҳбудийлар, Фитратлар,
Барчамизга ибратлар
Гуноҳсиз гуноҳкорлар -
Қатағон қурбонлари.

Усмон Носир, Чўлпонлар,
Куз келмайин хазонлар,
Бевақт кетган ўғлонлар,
Гуноҳсиз гуноҳкорлар -
Қатағон қурбонлари.

Номингиз ўлмас сира,
Мақсадингиз бокира,
Бизга ибрат хотира
Гуноҳсиз гуноҳкорлар -
Қатағон қурбонлари.

Абусайд НУРБОЕВ.

YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI

Samarqand viloyati boshqarmasi jamoasi

barcha vatandoshlarimizni,
shu jumladan, yurtimiz
yoshlarini eng ulug',
eng aziz bayram -

Mustaqillik kuni

bilan samimiy tabriklaydi.

*Kundan kun rivojlanib,
dunyoda munosib o'rniga ega
bo'layotgan yurtimiz istiqboli
yo'lidagi ishlaringizda ulkan
zafarlar tilaymiz!*

“ЖУМА ЭЛЕВАТОРИ”

акциядорлик жамияти жамоаси

30 йиллиги

билан қутлайди.

Озод ва обод юртимиз
аҳлига сиҳат-саломатлик,
дастурхонига тўкинлик тилаймиз!

Махсулотлар сертификатланган.



Мустақиллик йиллари Самарқандда

2018 йил, март

16 март куни “Turkish Airlines” авиакompани-яси томонидан “Истан-бул-Самарқанд-Истанбул” йўналишида қатнов йўлга қўйилди.

17-18 март кунлари Президент Ш.Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Самарқандда бўлди.

апрель

Самарқандда Мудофаа вазирлигининг кичик мутахассислар тайёрлаш маркази фаолият бошлади.

май

Ургут туманида илк бор замонавий технологиялар асосида сендвич панеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Самарқанд шаҳрида “Марказий Осиё ёшлар форуми” ўтказилди.

июль

13 июль куни халқ депутатлари вилоят Кенгаши-нинг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов иштирок этди. Сессияда Эркинжон Турдимов Самарқанд вилояти ҳокими вази-фасини бажарувчи этиб тасдиқланди.

август

Самарқанд шаҳрида замо-навий аквапарк очилди.

18 август куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқандда бўлди.

сентябрь

Германия Федератив Рес-публикаси Ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби Нильс Аннен бошчили-гидаги делегация Са-марқандга келди.

октябрь

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида-ги Давлат бошқаруви академиясининг ҳудудий филиали иш бошлади.

ноябрь

22-23 ноябрь кунлари Са-марқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми ўтказилди.

декабрь

Вилоятда 2241,1 тонна пилла, 305 минг тонна галла, 129 минг 508 тонна пахта хомашёси етишти-рилди.

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS:

«Zarafshon» va
«Самаркандский
вестник»
gazetalari tahririyati
mas'uliyati
cheklangan
jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan.
Nashr 100. Indeks 438.
12 521 nusxada chop etildi. Buyurtma 622

Gazeta haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.



Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, **REKLAMA VA E'LONLAR:** (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy,
Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.
«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.
Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:
A.SHERXOLOV.

Navbatchi:
Yo.MARQAYEV.

Sahifalovchi:
B.ABDULLAYEV.

Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X



9 772010 667009